

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2018
февраль

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

К.ШАҲОБОВ

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврининг бадиий талқини 55

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, З.АБДУЛЛАЕВ

Турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг шаклланиши ҳақида..... 58

Н.УМАРОВА

“Садди Искандарий” достонида денгиз сафарига доир “Ҳаракатлар стратегияси” ёхуд Навоийнинг орзулар кемаси концепти..... 61

З.АЛИМОВА

Мұхаммад Ризо Оғажийнинг “Зубдат ут—таворих” асарида құлланған форсий сүзлар хусусида..... 64

И.ДАРВИШОВ

Жануби-ғарбий Наманган ареали қипчоқ тип шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари..... 68

И.БАБАКУЛОВ

Рус ва ўзбек тилида сүзлашув тоифалари “қуроли”нинг семантикаси 72

Р.МАДЖИДОВА

Инсоннинг ижтимоий-лингвистик ва психолингвистик хатти-ҳаракатида нутқ маданияти 76

Ш.СУЛТОНОВА

Темпораллик категориясининг лисоний-фалсафий тадқиқи хусусида 81

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ХАНКЕЛЬДИЕВ, Г.БАЙДАДАЕВА

Ёш ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш учун педагогик технологияларни модернизация қилиш 84

Э.МИРЗАЖНОВА

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ижтимоий-маданий мослашувининг самарадорлиги масалалари. 89

ИЛМИЙ АХБОРОТ

А.ЮСУПОВА, С.ЎҚТАМОВ

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика дарсларида фанлараро алоқа 94

А.ИБРАГИМОВ, Р.КАРАБАЕВА

Аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари 96

О.ДАДАЖНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида исёнкорлик руҳи 99

С.ҚУРБОНОВА

Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир 102

У.ҚЎЗИЕВ

Янги изоҳли луғатлар тузишда сўзларни таснифлаш асослари ҳақида 104

М.МИРЗАЖАНОВ, Н.РАСУЛОВА

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг асоси сифатида 107

Д.КАРИМОВ

Ёш гимнастикачиларни маҳсус-физикавий ва техниковий назоратга тайёрлаш 110

АДАБИЙ ТАҚВИМ

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР 113

ХОТИРА

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ 114

УДК: 4/415.6

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

С.Қурбонова

Аннотация

Мақолада прагмалингвистиканинг тилшунослик соҳалари таркибида тутган ўрни ҳамда терминологиясига оид баъзи жиҳатлар ҳақида сўз боради.

Аннотация

В статье рассматриваются некоторые особенности терминологии и место прагмалингвистики в составе отраслей языкоznания.

Annotation

The article considers the issue of terminology and the place of pragmalinguistics among the structure of linguistic spheres.

Таянч сўз ва иборалар: прагматика, прагмалингвистика, психолингвистика, матн, шахс, тил эгаси, лисоний шахс, матн субъекти, сўзловчи.

Ключевые слова и выражения: прагматика, прагмалингвистика, психолингвистика, текст, личность, носитель языка, языковая личность, субъект текста, говорящий.

Key words and expressions: pragmatics, pragmalinguistics, psycholinguistics, text, person, native speaker, subject of the text, linguistic person, speaker.

Прагматиканинг тилшунослик фанининг янги тармоғи сифатида шаклланиши ва тан олиниши 1970 йилнинг ўрталарига тўғри келади. Психологлар ва тилшунос олимлар иштирокидаги семинар ҳамда семинар материалларининг тўплам ҳолида нашр этилиши прагматика соҳасининг муҳим тармоғи бўлган психолингвистика йўналиши ривожида муҳим қадам бўлди.

Бугунги кунда прагмалингвистика тилшуносликнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган соҳасидир, дейишга тўла асос бор. Сабаби ҳозирги кунга келиб, тилшунослик масалаларининг шахс психологияси – дунёқараши, ижтимоий белгилари ва бошқа қатор шахс хусусиятлари билан уйғунлиқда ўрганиш катта самара бериши тўғрисидаги фикрлар тўла исботланди. Шу сабабли ҳам тадқиқотларда прагматика масалаларига бўлган эътиборнинг сезиларли даражада органдигини кўриш мумкин.

Фаннинг бирор тармоғида оммавий иш олиб бориш, бир томондан, соҳа кишиларининг ҳамжиҳатлиқда, уюшқоқлик билан иш олиб бораётганликларини, соҳага оид муаммоларни ҳал қилишга биргалиқда киришгандикларини кўрсатувчи ижобий ҳолат бўлса, иккинчи томондан, бир масалага турлича ёндашувларнинг пайдо бўлиши билан янги муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбек прагмалингвистикаси вакиллари-

дан бири М.Ҳакимов прагматика масалаларининг тилшунослик соҳаси масалалари таркибида тутган ўрнини белгилар экан, мазмуний синтаксис масалаларининг ўрганилиши ва бу тадқиқотлар ечимида қатор муаммоларнинг юзага келиши тилшунослик масалаларини мураккаблаштиради. Бу вазият масалалар тилшуносликнинг энг юқори тадқиқот майдони - прагматика доирасида ҳал қилинишига зарурат туғилганини исботлаб, прагмалингвистик характердаги тадқиқотлар учун йўл очади, деб ёзади [1.24].

Прагматика соҳаси масалалари ўз мундарижасига кўра тилнинг амалий кўлланилиши билан боғлиқ масалаларни қамраб олиб, «матн ва уни идрок этувчи шахс омилини ўрганиш тадқиқ обьектига бир вақтнинг ўзида лингвистик, психологик, прагматик, когнитив ва ижтимоий нуқтаи назардан ёндашишини тақозо этади» [2.55]. Бунда таҳлиллар асосан матн тадқиқи билан боғлиқ бўлиб, «матн тадқиқига оид ишларда уни яратувчи шахсга эътиборнинг қаратилиши дастлаб психолингвистика ва прагмалингвистика йўналишидаги тадқиқотларда кўзга ташланган бўлса, бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган когнитив тилшунослик, функционализм, этнолингвистика, лингвокультурология, дискурсив таҳлил каби соҳалар ушбу масалани тилшуносликнинг марказий муаммоларидан бирига айлантириди» [3.5]. Бундан ташқари масалаларнинг

С.Қурбонова – ФарДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчisi

марказий нұқтасида инсон шахси ва у билан боғлиқ тушунчалар тадқиқ этилишига асосланған антропоцентрик назария, социолингвистика, менталингвистика, нейролингвистика каби үзиге хос йұналишлар шаклланиб бормоқдаки, уларда тил ва тил әгаси масалаларини бир-биридан ажратмаган ҳолда үйғун тадқиқ этилиши билан умумийлик касб этса, масалаларга қай жиҳатдан ёндашилғанлығына күра үзаро фарқланади. Мазкур соҳаларнинг барчаси ҳам үз кесимиде турли даражада ютуқларни құлға киритган ва умумий масалалар ечимига озми-күпми ҳисса құшған. Аммо шу үринде соҳалар билан боғлиқ янги бир муаммо вужудға келади-ки, бу фан тармоғининг умумий илмий парадигмасига тегишли бўлиб, үзаро ёндош соҳаларнинг муайян асосда системали ва тартибли ўрин әгаллаши, уларнинг ҳар бирида ўрганилувчи масалалар құламиның аниқ белгилаб олиниши ўта мұхимдир. Токи терминологияда мұкаммал илмий парадигмага эришилмас экан, соҳанинг тұлақонли тадқиқига эришиб бўлмайди.

Инсон ва унинг шахс хусусиятлари масаласида тил, аникроғи, шахснинг тилдан фойдаланиш фаолияти катта аҳамиятта әга бўлган бўлиб, бу борада хulosалар чиқаришда ҳал құлувчи омил саналади. Бугунги кунда тилшуносликда “til әгаси”, “лисоний шахс”, “матн мұаллифи”, “мұаллиф” атамалари параллел равишда қўлланиб келинмоқда.

Ўзбек тилшунослигига матн антропоцентрик таҳлили масаласида маҳсус тадқиқотлар олиб борган Д.Худойбердиева үз тадқиқотларида “til әгаси” терминини фаол қўллади ва унинг изоҳида рус олимни С.Т.Воркачевга мурожаат этган ҳолда қуйидагича тушунтиради: “til әгаси” тушунчаси ҳозирги вақтда тилшуносликда асосан қуйидаги маъноларда ишлатилмоқда: а) муайян тилда нутқий фаолиятни амалга оширувчи, яъни нутқ тузиш ва уни идрок этиш қобилиятига әга бўлган шахс; б) тилдан мuloқot воситаси сифатида фойдаланувчи шахс, коммунимант; в) үз миллатининг миллий-маданий, маънавий қадриятларини

акс эттирувчи луғат таркибини әгаллаган, уни намоён этувчи шахс; муайян тил вакили [2.54].

Лингвокультурология соҳасида изланишлар олиб борган олма Ш.Усманова “лисоний шахс” терминини қўллар экан, бу термин тилшуносликда биринчи марта немис олими И.Вейсгерберг томонидан қўлланилғанлығини таъкидлайди [4.163]. Манбада терминга қуйидагича таъриф берилган: “Лисоний шахс – объектив воқеликни үз кўришига мувофиқ тасвирлаш ва маълум мақсадга эришиш учун муайян тилнинг тизимли воситаларидан фойдалангани ҳолда уларни матнларда акс эттириши нутқай назаридан тавсифланган у ёки бу тил соҳибидир. Лисоний шахс – муайян билимлар ва тасавурлар мажмуига эга бўлган нутқий фаолиятни намоён құлувчи шахсдир”. Таърифлардан қўринадики, “til әгаси” ҳамда “лисоний шахс” терминларининг мазмун-моҳиятида айтарли фарқланишлар сезилмайди, уларнинг ҳар иккаласи ҳам муайян тилда нутқий фаолият юритувчи шахс назарда тутилади.

Прагматика соҳасида иш олиб борган тилшунос олим М.Ҳакимов үз тадқиқотларида “матн субъекти”, “матн мұаллифи”, “сўзловчи” шаклларини термин сифатида қўллар экан, уларни үзаро фарқлайди [1].

Қўринадики, тилшуносликнинг замонавий йұналишлари тадқиқот обьекти ҳамда терминологияси масаласи ўта долзарбидир. Бу үринде биз у ёки бу терминнинг қўлланилишини ёқлаш, бошқасига эса қарши муносабат билдириш фикридан йирокмиз. Юқорида эътибор қаратилган ҳолатлар, улардаги мұаммолар барчаси соҳаларнинг замонавий тилшунослик таркибига кириши, унда изланишлар жадал давом этаётганлигидан далолат беради. Аммо айни пайтда масалалар қўлами ва терминология масаласидаги ноаниклик ва хилма-хилликлар юзага келганилиги мұаммоси соҳаларнинг барчаси учун тааллуқли бўлиб, қараашларнинг конкретлашиши, умумлашиши ва мувофиқлашишига эришиш соҳаларнинг барчаси учун ҳам бирдай фойдали бўлади.

Адабиётлар:

1. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Т.: Академнашр, 2013.
2. Худойберганова Д.Ўзбек тилшунослигига матннинг антропоцентрик талқини // ЎТВА. – 2011 йил, 1-сон.
3. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. –Т.: Фан, 2013.
4. Усманова Ш. Таржиманинг лингвомаданий аспектлари. – Т., 2015.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).